

Маъмуржон Эркаев,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси магистранти

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИНИНГ КЛАССИК ДАВРИ МАНБАЛАРИДА ОРИЯ МАСАЛАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПҚ-2995-сон) қарори буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш ишларини янада жонлаштирди, мутахассисларни бу борада тадқиқотлар олиб боришга ундади.

Юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар Бурҳониддин Марғинович, Абу Лайс Самарқандий, Алоуддин Косоний, Абул Баркот Насафий каби кўплаб фақиҳларимиз томонидан ислом ҳуқуқига оид манбаларда ижтимоий муносабатларга доир ҳуқуқий асослар, жумладан, ория масаласи чуқур ўрганилган.

“Ория” арабча сўз бўлиб, луғатда “ор-номус, кетиб, келди” деган маъноларни англатади.

Ория сўзининг истилоҳий маъноси ҳақида Бурҳониддин Марғинович “Ҳидоя” асарида: “Ория фойдани эвазсиз (ижара ҳақсиз) мулк қилиб бериш”, деганлар. Шунингдек, ислом ҳуқуқига оид манбаларда ория сўзининг истилоҳий маъноси ҳақида бир-бирига яқин бўлган маънолар келтирилган.

Демак, ория бирон нарсани бировга вақтинча фойдаланиш учун бериш. Мисол учун:

“ушбу ерни сизга бир йилга фойдаланиб туришингиз учун бердим”, деса, иккинчи тараф қабул қилиб олса, шу билан ория келишуви юзага келади ва ер майдони ижара ҳақсиз фойдаланиб туриш учун берилган ҳисобланади.

Ислом ҳуқуқига оид ҳар бир ҳуқуқий муносабатлар шаръий асослар билан қатъий белгиланади. Жумладан, ория ҳуқуқий муносабати ҳам шундай асосларга эга. Ория ижтимоий-ҳуқуқий муносабати Қуръон, ҳадис ва ижмои уммат (уламолар иттифоқи) билан собит бўлган масаладир.

Аллоҳ таоло “Моида” сурасида: “**Эзгулик ва такво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз**”, деган (2-оят).

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Тафсири ҳилол” асарида оятни қуйидагича шарҳлаганлар: “Ушбу мўъжазгина жумла дунёдаги барча ҳамкорликлар учун асосий қоида ҳисобланади. Исломдан аввалги даврда ҳамкорлик қоидаси уруғчилик, қабилачилик ва бошқа шунга ўхшаш ўлчовлар асосида бўлар эди. Ўзига яқин бўлган шахс, тоифа қабила, давлат ёки халқ нима қилса, унга ҳамкор бўлиш зарур эди.

Исломда эса, ҳамкорликнинг бош шартлари яхшилик ва такводир. Агар шу шарт вужудга келса, ҳамма билан ҳамкорлик қилинаверади”.

Шунингдек, “Моъун” сурасида: “**ва рўзгор буюмларини** (кишилар омонатга сўрашганда) **ман этадилар**”, дейилган (7-оят).

Имом Абу Мансур Мотуридий ўзларининг “Таъвилоту аҳли сунна (Тафсиру Мотуридий)” китобида оятдаги “Моъун” сўзини шарҳлаб қуйидагича ёзганлар: “Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумлар “Моъун” сўзи ория маъносини ифода қилади, деганлар. Абу Убайда розияллоҳу анху ҳар қандай вақтинча фойдаланадиган нарса “Моъун”дир, деганлар”.

Ория келишуви ихтиёрий амалга ошириладиган хайру саховат амаллардан ҳисобланади. Чунки ория бировнинг мулкидан текин фойдаланишни ифода қилади. Шу боис, Қуръони каримда хайру саховат маъносини ифода қилувчи кўплаб оятларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш мумкин.

Ислом манбаларида ория ижтимоий-ҳуқуқий муносабатига оид кўплаб ҳадисларни учратиш мумкин.

Буюк муҳаддис Имом Бухорий “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ҳадислар тўпламида ория масаласига оид ўндан ортиқ ҳадисни ривоят қилганлар. Жумладан:

2627-ҳадис. Қатода розияллоҳу анхундан ривоят қилинади:

“У киши: “Мен Анаснинг: “Мадинада ваҳима тарқалди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Талҳадан Мандуб деган отни иорага олиб, миниб кетдилар. Қайтгач: “Ҳеч нарса кўрмадик. Бу (от) денгиз экан-ку”, дедилар” деганларини эшитдим”, дедилар.

Мадина шаҳрида атрофдан турли қўркинчли овозлар эшитила бошлади. Одамлар ваҳимага тушди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол Абу Талҳа исмли саҳобанинг “Мандуб” номли отини олдилар ва товуш эшитилган томонга от чоптириб кетдилар. Орадан бироз вақт ўтгач қайтиб келдилар ва хавотирга ўрин йўқлигини айтиб инсонларни тинчлантирдилар.

Мазкур ҳадиси шарифдан ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардан бири ория келишувининг жоиз эканлигини ўрганиш мумкин.

Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бировнинг уловини олдилар ва фойдаланиб эгасига қайтариб берганлар.

Барча мазҳаб уламолари ория масаласи ислом ҳуқуқида Қуръон оятлари ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ҳамда ижмои уммат билан собит бўлган муносабат эканлигига иттифоқ қилганлар.

Ория келишувининг ҳукми: ория масаласи ихтиёрий характерга эга бўлган ҳуқуқий муносабат бўлиб, бундай характерга эга бўлган муносабатларнинг ҳукми ислом ҳуқуқшунослигида “мустаҳаб амал” деб айтилади.

Демак, агар дўстингиз сиздан бирор нарсангизни вақтинча ишлатиб туриш учун сўраса, фойдаланишга берсангиз савобга эга бўласиз. Борди-ю, бермасангиз гуноҳкор бўлмайсиз. Аммо айрим ҳолларда ория вожиб бўлиб қолади. Масалан, бир инсоннинг ҳаётини сақлаб қолиш ёки соғлигининг яхшиланишига зарур бўлган нарсани фойдаланиб туриши учун бериш лозим (вожиб) бўлади.

Ислом ҳуқуқида қийматга эга бўлган ҳар қандай нарсани орияга бериш жоиз. Масалан, қимматбаҳо буюмлар, кўчмас мулк объектлари, уй-рўзгор анжомлари, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар. Аммо айрим манбаларда қайлий (ўлчов асосида сотиладиган), вазний (тарозуда тортиладиган) нарсалар ва нақд пулларни ўзаро олди-берди қилиш ория келишуви эмас, балки қарз битими ҳисобланади, дейилган. Чунки мазкур нарсаларни мулкдорга қайтариш вақтида жинси ўзгармасада, аввалда берилган нарса ишлатилиб юборилган бўлади. Уни айнан ўзини қайтаришнинг имкони бўлмайди. Ория масаласида объектнинг асли йўқ бўлиб кетмайдиган нарса бўлиши шарт ҳисобланади.

Ислом ҳуқуқида ҳар бир ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар белгиланган руқн ва шартлар асосида амалга оширилади. Ория келишуви томонларнинг ўзаро розилиги ва “орияга бердим”, “орияга олдим” каби сўзларни талаффуз қилиши билан тузилган ҳисобланди. Агар бир киши бировнинг мулкини орияга сўраса, эгаси сукут сақлаб туриши ория

келишувининг тузилганлигини ифода қилмайди. Чунки Шамсул аймма Сарахсий: “Ория келишуви сукут сақлаш билан собит бўлмайди”, деганлар.

Ория ижтимоий-ҳуқуқий муносабатига оид масалаларни Ваҳбатуз Зухайлий “Мавсуъатул фикҳил исломий” асарида қуйидагича баён қилган: орияга олинган нарса орияга олувчининг тажовузисиз (қасддан талофат етказмаса) ҳалок бўлса, айб-нуқсон ёки талофат етказилса, қийматини ёки аслини тўламайди.

Орияга олувчи қуйидаги нарсаларга эътибор қаратиши лозим:

- орияга олинган нарсага омонат сифатида қараши ва уни муҳофаза қилиши;

- унга қасддан айбу нуқсон, талофат етказмаслиги; акс ҳолда объектни қийматини ёки аслини тўлаб бериши лозим бўлади.

- агар орияга берувчи ориядан фойдаланиш мумкин бўлган шартларини, вақтларини белгилаб берган бўлса, унга амал қилиши.

Орияга олувчи объектнинг бошқа инсонга орияга бериши жоиз. Бу ҳолатда орияга олувчи объектнинг эгаси рухсатисиз амалга ошириши ҳам мумкин.

Абул Баракот Насафий “Канзуд дақоик” асарида: “Орияга олувчи объектни бошқа инсонга ижарага бермайди, бирон нарса эвазига гаровга қўймайди, омонатга топширмайди”, дедилар. Чунки объект орияга берувчининг мулкидир. Ислом ҳуқуқида мулк эгаси мулкни хоҳлаганидек тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур битимлар мулк эгасига зарар етказди ва мулкни хоҳлаганидек тасарруф қилишига ҳалал беради.

Орияга берувчи объектни хоҳлаган вақтида қайтариб олиши мумкин. Агар орияга олувчи объектни бошқа инсонга орияга бериб юборган бўлса, келишув тугатилади ва мулк эгасига қайтарилади.

Агар орияга берувчи объектни қайтаришини талаб қилса, орияга олувчи қайтариб беришдан бош тортса ёки қайтариб беришни пайсалга солса, натижада унга нуқсон етса, қийматини тўлаб беради.

Абу Лайс Самарқандий “Хизанатул фикҳ” китобида ория келишувининг шартига қирмайдиган икки нарсани алоҳида таъкидлаб ўтганлар:

1. Ория келишувида муддат белгилаш; аслида ория келишувида муддат белгиланмайди. Чунки мазкур келишувни орияга берувчи хоҳлаган вақтида бекор қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, объект муайян мақсадда фойдаланиш учун олинган бўлади. Агар фойдаланиш вақти чегаралаб қўйилса ёки умуман муддат белгиланса, қўзланган мақсад ҳосил бўлмаслиги мумкин.

2. Ория келишувида объектга бирор талофат етса, тўлаб беришни шарт қилиш; орияга берувчи “агар мулкимга бирор талофат етса, тўлаб берасиз”, деб шарт қўйса ёки орияга олувчининг ўзи келишув вақтида “агар бирор нарса бўлиб қолса, тўлаб бераман” деб айтса, шарт бекор ҳисобланади. Яъни, орияга олувчининг тажовузисиз объектга бирор талофат етса, етказилган нуқсон миқдори тўлаб берилмайди.

Демак, орияга берувчи фойдаланиш муддатини белгиласа ёки орияга олувчи келишув вақтида фойдаланиш муддатини айтса, шарт бекор ҳисобланади. Шунингдек, келишув вақтида томонлар тарафидан тўлаб бериш шарт қилинса, мазкур шартга амал қилинмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ория масаласи гарчи инсонлар ўртасида кенг тарқалган урф-одат, қадриятлардан бири ҳисоблансада, бугунгача фақатгина йирик ҳажмдаги мулк объектларидан ва нақд пулдан бошқа нарсаларни орияга бериш бўйича ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилмаган. Кўпинча, одамлар орасида ўзаро оғзаки тузилган келишувлар турли тортишувларга сабаб бўлади. Шу боис, қўшничилик, қариндош-уруғчилик муносабатларини мустаҳкамлашда ория масаласини жамоатчиликка тушунтириш ва унинг ҳуқуқий нормаларини илмий таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.